

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ҚИРҒИЗОВ ФАЗЛИДИН БАХТИЁРИВИЧ

**АЙРИМ ТҶИЙИНГАН БИР АСОСЛИ КАРБОН КИСЛОТАЛАРНИНГ
ПРОПАРГИЛ ЭФИРЛАРИ АСОСИДА 1,2,3-ТРИАЗОЛ ҲОСИЛАЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ ҶРГАНИШ**

02.00.03 – Органик кимё

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Қирғизов Фазлидин Бахтиёрович

Айрим тўйинган бир асосли карбон кислоталарнинг пропаргил
эфирлари асосида 1,2,3-триазол ҳосилалари синтези ва уларнинг
хоссаларини ўрганиш.....5

Қирғизов Фазлидин Бахтиёрович

Синтез и изучение свойств производных 1,2,3- триазолов на основе
пропаргилловых эфиров некоторых насыщенных одноосновных
карбоновых кислот.....21

Qirgizov Fazlidin Baxtiyorivich

Synthesis and study of the properties of 1,2,3-triazole derivatives based
on propargyl ethers of some saturated monobasic carboxylic acids.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ҚИРҒИЗОВ ФАЗЛИДИН БАХТИЁРИВИЧ

**АЙРИМ ТЎЙИНГАН БИР АСОСЛИ КАРБОН КИСЛОТАЛАРНИНГ
ПРОПАРГИЛ ЭФИРЛАРИ АСОСИДА 1,2,3-ТРИАЗОЛ ҲОСИЛАЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ ҲОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.03 – Органик кимё

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/K388 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва "Ziyouel" Ахборот-таълим порталида (www.ziyouel.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдугафуров Ибрагимджан Азизович кимё фанлари доктори, доцент
Расмий опонентлар:	Махсумов Абдулхамид Гофурович кимё фанлари доктори, профессор Маулянов Салихжан Алимжанович кимё фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "19" февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24 e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_13_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» февраль кун тарқатилди.

(2022 йил «5», «02» даги 4 - рақамли реестр баённомаси).



А. Сманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор
Д. А. Гафуропа
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ишчи котиби, к.ф.д.
К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
Раёонидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида таркибида учта азот атомларини тутувчи беш аъзоли гетероциклик бирикмаларни синтез қилиш жадал суръатда ривожланмоқда, бунга сабаб улар ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда қўлланилаётган кўпгина препаратлар таркибига киради. Мана шундай бирикмалар қаторига синтетик 1,2,3-триазол ҳосилаларини киритиш мумкин. Шу сабабли органик кимё соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида синтез қилинаётган 1,2,3-триазоллар орасида турли фармакологик фаол препаратларнинг кўпайиб бораётганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон кимёгар ва фармаколог олимлар олдида турган муҳим масалалардан бири кам заҳарли потенциал фаол дори воситаларини синтез қилиш ва амалиётга жорий этишдан иборат. Бу муаммони ҳал қилишда молекуласида 1,2,3-триазол ҳалқаси тутган гетероциклик бирикмалар истиқболли эканлигини намоён қилмоқда. Шунинг учун 1,2,3-триазол ҳосилаларини мақсадли синтез қилиш, тузилишини аниқлаш, улар асосида самарали биологик фаол препаратлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар изчил олиб борилмоқда. Натижада яллиғланишга, сил, саратон ва қанд касаллигига қарши, иситма туширувчи, оғриқ қолдирувчи, бактерицид, фунгицид, инсектицид ва бошқа фойдали хусусиятларга эга бўлган рақобатбардош препаратлар аниқланмоқда.

Республикамизда дори воситалар яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада рақобатбардош препаратларни синтетик органик кимё маҳсулотлари асосида яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада триазолларнинг янги ҳосилаларининг мақбул синтез усулларини топиш, уларнинг тузилиши ва реакция қобилиятининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, самарали биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотларни ишлаб

чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари тўғрисидаги, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 1,2,3-Триазоллар соҳасида тадқиқотлар XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган бўлиб, ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу синф бирикмалари асосидаги изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – Michaelom A., Devi E., Griss L., Xyusgen R., Sharpless B., Meldal M., Shravan V. K., Mishra Abdel-Wahab B. F., Hanan A. M., Ghada E.A., Heriz M.H., Mohammed I., Kadhim Z., Abbas H.K., Mahdi I.K ва Юрий М.Ш., Татьяна В.Б., Илья В.Е., Василий А. Б. ва бошқалар 1,2,3-триазол ҳамда уларнинг ҳосилаларининг синтези, модификацияси ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш билан шуғулланган. Республикада мазкур йўналишда ўзбек олимлари А.Г. Махсумов, Н. Мадихонов, И.А. Абдугафуров, А.Ж. Джураев ва бошқалар ўз изланишлари билан 1,2,3-триазоллар синтези ва биологик фаоллигини аниқлаш муаммоларини ҳал этишга ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Адабиётларда турли хил ўринбосарлар сақлаган 1,2,3-триазолларнинг самарали синтез усуллари, кимёвий ўзгаришлари ва турли биологик фаолликлари ўрганилган. Лекин тўйинган бир асосли карбон кислоталарнинг пропаргил эфирларига *пара*-азидобензой кислота таъсир эттириб 1,2,3-триазол ҳосилаларининг синтези ўрганилмаган ва адабиётларда бу ҳақида маълумотлар келтирилмаган. Шунинг учун тегишли азид ва алкинлар орасида ўзаро 1,3-диполяр циклобирикиш реакцияларини амалга ошириш, ўрганиш, маҳсулотлар тузилишини аниқлаш, истиқболли моддаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш ҳамда янги биологик фаол бирикмалар яратиш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-7-56 “Фенол пропаргил эфирларининг изомеризациясини ўрганиш” мавзусидаги фундаментал (2017-2020 й.й.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўйинган бир асосли карбон кислоталарнинг пропаргил эфирлари асосида 1,2,3-триазол ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг тузилишини исботлаш, кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

тўйинган бир асосли карбон кислоталарнинг пропаргил эфирлари ва *пара*-азидобензой кислотани ўзаро 1,3-диполяр циклобирикиши орқали 4-(4-(*R*-карбоксиметил)-1*H*-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарни синтез қилиш;

реакциянинг боришига, маҳсулотнинг унумига таъсир этадиган асосий омилларни аниқлаш ва 1,2,3-триазол ҳосилалари синтезининг мақбул шароитларини топиш;

синтез қилинган моддаларни колонкали хроматография ёрдамида ажратиш ва уларнинг тузилишини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқлаш;

4-(4-(*R*-карбоксиметил)-1*H*-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг мураккаб эфирини синтез қилиш, 4-(4-(*R*-карбоксиметил)-1*H*-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг калийли, натрийли, кумушли ва темир (III) тузларини олиш;

синтез қилинган янги бирикмаларни биологик фаоллигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тўйинган бир асосли карбон кислоталар, пропаргил спирти, *пара*-аминобензой кислота, *пара*-азидобензой кислота ва улар асосида синтез қилинган маҳсулотлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети *пара*-азидобензой кислотани тўйинган бир асосли карбон кислоталарга 1,3-диполяр циклобирикиш реакциясида қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Нозик органик синтез ва муқобил синтез усуллари, ИҚ-, ¹H ЯМР-спектроскопия, хромато-масс-спектрометрия, хроматография (юпка қатламли (ЮҚХ) ва колонкали хроматография) ҳамда биологик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 4-(4-(*R*-карбоксиметил)-1*H*-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарининг синтези амалга оширилган ҳамда реакцияларнинг боришига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

4-(4-(*R*-карбоксиметил)-1*H*-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг селектив синтезини амалга оширишда қўлланилган катализаторларнинг қуйидаги $\text{Cu}_2\text{I}_2 > \text{Cu}_2\text{Br}_2 > \text{Cu}_2\text{Cl}_2$ қатор бўйича фаолликларининг камайиши аниқланган;

4-(4-(*R*-карбоксиметил)-1*H*-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг сувда эрийдиган натрийли ва калийли тузлари олинган;

4-(4-(*R*-карбоксиметил)-1*H*-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарини этил спирти билан этерификация реакцияси олиб борилганда бир вақтнинг ўзида мураккаб эфир ҳосил бўлиши билан бирга ацетил-оксиметил боғининг гидролизланиши натижасида 4-(4-(гидроксиметил) 1*H*-1,2,3-триазол 1-ил) бензой кислотанинг этил эфири ҳосил бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

1H-1,2,3-триазол ҳосилалари синтезида катализатор сифатида мис (I) галогенидлардан фойдаланилганда реакция селектив бориб, асосан, 1,4-изомер маҳсулотларнинг юқори унумларда ҳосил бўлиши аниқланган;

биологик фаоллигини ўрганиш мақсадида 4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг сувда эрувчан натрийли ва калийли тузлари олинган;

олинган янги ҳосилаларнинг оғриқ қолдирувчи, иситма туширувчи, яллиғланишга ва қандли диабетга қарши фаолликлари аниқланган;

синтез қилинган 4-(4-(ацетоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислота ва 4-(4-(пропионоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг калийли тузлари буғдойни ҳосилдорлигини ошириш хусусиятига эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Замонавий ИҚ-, ¹H ЯМР-спектроскопия, хромато-масс-спектрометрия, хроматографик (юпқа қатламли (ЮҚХ) ва колонкали (КХ) хроматография), биологик ва бошқа тадқиқот усулларида олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор тўйинган бир асосли карбон кислоталарнинг пропаргил эфирларига *para*-азидобензой кислотани 1,3-диполяр циклобирикиш реакцияси амалга оширилган, олинган 57 та янги моддалар 1H-1,2,3-триазоллар кимёсини янги маълумотлар билан тўлдирган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, синтез қилинган бирикмалар орасида нозик органик синтезда реагент сифатида, тиббиётда оғриқ қолдирувчи, иситма туширувчи, яллиғланишга ва қандли диабетга қарши, уларнинг натрийли ва калийли тузлари қишлоқ хўжалигида буғдойнинг ҳосилдорлигини оширувчи стимулятор сифатида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг жорий қилиниши. 4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталар, уларни ҳосилаларининг самарали синтез усуллари ва модификацияларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

стимуляторлик хусусиятга эга бўлган 4-(4-(ацетоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислота (ТФ-40) ва 4-(4-(пропионоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислота (ТФ-41) калийли тузлари Навоий вилояти Қизилтепа тумани фермер хўжаликлари дала майдонларида буғдой ҳосилдорлигини ошириш учун амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 02/025-3925-сон маълумотномаси). Натижада мазкур стимуляторлар таъсирида кузги буғдой ҳосилдорлигини 4.3- 3.7 ц/га ошириш имконини берган;

4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг синтез қилиш усулидан Тожикистон Миллий университети ҳузуридаги илмий тадқиқот институтида қатор органик моддаларни синтез қилишда

фойдаланилган (Тожикистон Миллий университети хузуридаги илмий тадқиқот институтининг 2021-йил 9-сентябрдаги 43-сон маълумотномаси). Натижада, 1,2,3-триазолларнинг янги биологик фаол ҳосилаларини синтез қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий - амалий анжуманлар ва конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 та мақола республика, 2 та мақола хорижий ва халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация иши компьютер матнида ёзилган бўлиб 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“1Н-1,2,3-Триазолларнинг синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаоллиги”** деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларда турли хил органик азид ва алкинлар орасида ўзаро 1,3-диполяр циклобирикиш реакциялари, уларга таъсир этувчи омилларни ўрганишга доир маълумотлар таҳлил қилинган. Ушбу умумлаштирилган маълумотлар асосида илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг **“4-(4-(R-карбоксиметил)-1Н-1,2,3-триазол-1-ил)бензой кислота ва уларнинг ҳосилалари синтези”** деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот натижалари таҳлили келтирилган. Бу ерда 4-(4-(R-карбоксиметил)-1Н-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг синтези, уларнинг этерификация реакцияси, турли хил калийли, натрийли, кумушли ва темир (III)ли тузларини олиш, шунингдек, уларнинг тузилишини тасдиқловчи спектрал маълумотлар ва физик константалар таҳлил қилинган.

4-(4-(R-карбоксиметил)-1Н-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталар синтези. Дастлаб, тўйинган бир асосли карбон кислоталар билан турли хил эритувчилар ва катализаторлар иштирокидаги реакциялар олиб борилди ва барча олиб борилган усулларда 4-(4-(R-карбоксиметил)-1Н-1,2,3-триазол-1-

ил) бензой кислота олишга эришилди. Реакция этанолда олиб борилганда маҳсулот унуми 35 %, бензолда 47 %, толуолда эса энг юкори (87 %) унум билан *мета*-ксилолда 73 % маҳсулотлар олинди. Ушбу эритувчилар орасида толуол энг самарали эритувчи сифатида танлаб олинди.

Тадқиқотлар давомида маҳсулот унумига катализаторлар таъсирини ўрганиш мақсадида – реакциялар бир хил вақт (6 соат) давомида мис (I) галогенидлар қўллаб олиб борилди. Натижада Cu_2Cl_2 қўлланилганда ўртача 47-55 %, Cu_2Br_2 иштирокида олиб борилганда 52-61 % ва Cu_2I_2 да олиб борилганда эса юкори унумлар (75-87 %) билан маҳсулотлар олишга эришилди ва у мақбул катализатор сифатида танлаб олинди



1, 16 R=H; 2, 17 R=CH₃; 3, 18 R=C₂H₅; 4, 19 R=C₃H₇; 5, 20 R=C₄H₉; 6, 21 R=C₅H₁₁; 7, 22 R=C₆H₁₃; 8, 23 R=C₇H₁₅; 9, 24 R=C₈H₁₇; 10, 25 R=C₉H₁₉; 11, 26 R=C₁₀H₂₁; 12, 27 R=C₁₁H₂₃; Hal = Cl, Br, I.

Синтез қилиб олинган янги моддалар колонкали хроматография усулида тоза ҳолда ажратиб олинди, индивидуаллиги ЮҚХ ёрдамида аниқланди ва тузилиши ИҚ-, ¹Н ЯМР-спектроскопия ва хромато-масс-спектрометрия усуллари ёрдамида тасдиқланди.

1-жадвал.


4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил)бензой кислоталар-нинг айрим физик-кимёвий катталиклари ва ИҚ-спектр натижалари

№	Брутто Формула	Унум, %	R _f [*]	T _{суюқ} , °C**	ИҚ-спектр (ν, см ⁻¹)		
					ОН	C=O	O-C=O
16	C ₁₁ H ₉ N ₃ O ₄	75	0.33	240-241	3417	1726	1683
17	C ₁₂ H ₁₁ N ₃ O ₄	77	0.37	238-239	3415	1750	1686
19	C ₁₄ H ₁₅ N ₃ O ₄	81	0.44	235-236	3417	1738	1684
20	C ₁₅ H ₁₇ N ₃ O ₄	83	0.50	233-234	3426	1739	1681
21	C ₁₆ H ₁₉ N ₃ O ₄	87	0.53	229-230	3477	1739	1682
22	C ₁₇ H ₂₁ N ₃ O ₄	82	0.31	228-229	3412	1738	1682
23	C ₁₈ H ₂₃ N ₃ O ₄	71	0.34	225-226	3480	1740	1681
24	C ₁₉ H ₂₅ N ₃ O ₄	78	0.42	223-225	3422	1741	1683
25	C ₂₀ H ₂₇ N ₃ O ₄	76	0.43	221-222	3122	1741	1683
26	C ₂₁ H ₂₉ N ₃ O ₄	73	0.45	217-218	3512	1741	1682
27	C ₂₂ H ₃₁ N ₃ O ₄	71	0.44	216-217	3417	1726	1683

*система: (бензол:метанол- 5:1); **этанолдан қайта кристалланган.


4-(4-(Пропионоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислотани (**18**) тузилиши ИҚ-, ¹Н ЯМР- спектроскопия ва хромато-масс-спектрометрия усуллари ёрдамида исботланди. Айтиш лозимки, **18**-модданинг ИҚ-спектридаги ютилиш частоталари тегишли: 3417 см⁻¹ (ОН), 1748 см⁻¹ (C=O), 1683 см⁻¹ (O-C=O), 1608 см⁻¹ (C=C), 1519 см⁻¹ (N=N), 1322 см⁻¹ (C-O), 1220

cm^{-1} (C-N), 1116 cm^{-1} (C-H арил) cm^{-1} соҳаларда намоён бўлиб, молекуладаги барча функционал гуруҳлар мавжудлигини тўлиқ тасдиқлайди (1-расм).



1-расм. 4-(4-(Пропионоксиметил) -1Н -1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислотани (18) ИҚ- спектри

^1H ЯМР- спектрида CH_3 гуруҳи уч протонли триплет (3Н, т) кўринишида 1.07 м.у. соҳада, карбонил гуруҳи билан боғланган CH_2 гуруҳи протонлари икки протонли кватрет (2Н, кв) 2.33 м.у. соҳада, кислота қолдиғи билан боғланган OCH_2 гуруҳи нисбатан кучсиз майдонда (5.22 м.у.) икки протонли синглет (2Н, с), бензол ҳалқасидаги 4 та ароматик протон: иккита эквивалент ($\text{H}_{\text{Ar}}-2,6$) протонлар 7.94 м.у. соҳада дублетлар дублети (2Н, дд), тегишли спин-спин таъсирлашиш константасига ($J=8.8$, $J=2.0$) эга бўлади, карбоксил гуруҳига *орто*-ҳолатда жойлашган тегишли эквивалент ароматик протонлар ($\text{H}_{\text{Ar}}-3,5$) эса 8.16 м.у. соҳада дублетлар дублети (2Н, дд, $J=8.8$, $J=2.0$) ҳолида намоён бўлади, триазол ҳалқасига тегишли бир протонли синглет 8.61 м.у. (1Н, с) соҳада кимёвий силжишга эга эканлиги аниқланди. Бу натижалар бирикма (18) тузилишини тўлиқ тасдиқлайди (2-расм).




2-расм. 4-(4-(Пропионоксиметил) -1Н -1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислотани (18) ^1H ЯМР спектри

16-27- Моддаларнинг ^1H ЯМР-спектр натижалари (δ , м.у.)

№	CH_3	OCH_2	$-(\text{CH}_2)_n-$	C-H арил	CH (триазол)
16	-	5.37 (2H, с.)	-	7.95 (2H, д, H-2,6), 8.21 (2H, д, H-3,5)	8.49(1H, с)
17	2.02 (3H, с)	5.28 (2H, с)	-	7.95(2H, д, H-2,6), 8.2 (2H, д, H-3,5)	8.47 (1H, с)
19	1.1 (3H, т, J=5.6)	5.22 (2H, с)	1.72, (2H, м); 2.54, (2H, т, J=6.4)	7.94 (2H, д, H-2,6), 8.14 (2H, д, H-3,5)	8.61 (1H, с)
20	0.85 (3H, т, J=2.8)	5.22 (2H, с)	1.29 (2H, м); 1.55(2H, м); 2.31(2H, т, J=2.8)	7.93 (2H, д, H-2,6), 8.16 (2H, д, H-3,5)	8.57 (1H, с)
21	0.82 (3H, т, J=2.8)	5.2 (2H, с)	1.24(4H, м); 1.56 (2H, м); 2.30 (2H, т, J=7.6)	7.98 (2H, д, H-2,6), 8.13 (2H, д, H-3,5)	8.61 (1H, с)
22	0.802 (3H, т, J=6.8)	5.22 (2H, с)	1.22 (6H, м); 1.55 (2H, м); 2.30(2H, т, J=7.6)	8.00 (2H, д, H-2,6), 8.124 (2H, д, H- 3,5)	8.60 (1H, с)
23	0.801 (3H, т, J=6.4)	5.31 (2H,с)	1.22 (2H, м); 1.28 (6H, м); 1.54 (2H, м); 2.31 (2H, т, J=7.4)	7.91 (2H, д, H-2,6), 8.08 (2H, д, H-3,5)	8.58 (1H, с)
24	0.798 (3H, т, J=5.4)	5.33 (2H, с, OCH_2)	1.23 (2H, м), 1.27 (8H, м), 1.56 (2H, м), 2.30 (2H, т, J=7.4,)	7.92 (2H, д, H-2,6), 8.10 (2H, д, H- 3,5)	8.59 (1H, с)
25	0.794 (3H, т, J=6.8)	5.35 (2H, с, OCH_2),	1.21 (2H, м), 1.26 (2H, м), 1.32 (8H, м), 1.58 (2H, м) 2.28 (2H, т, J=7.6),	7.91 (2H, д, H-2,6), 8.11 (2H, д, H- 3,5),	8.58 (1H, с)
26	0.791 (3H, т, J=6.4)	5.36 (2H, с, OCH_2),	1.20 (2H, м), 1.25 (6H, м), 1,32 (6H, м), 1.59 (2H, м) 2.29 (2H, т, J=7.4)	7.90 (2H, д, H-2,6), 8.11 (2H, д, H- 3,5)	8.56 (1H, с)
27	0.785 (3H, т, J=6.2,)	5.35 (2H, с, OCH_2),	1.19 (2H, м), 1.24 (8H, м), 1.30 (6H, м), 1.58 (2H, м) 2.28 (2H, т, J=7.4)	7.91 (2H, д, H-2,6), 8.10 (2H, д, H- 3,5)	8.57 (1H, с)

4-(4-(Формилоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислотани (16) электронлар зарби таъсирида парчаланишидан ҳосил бўлган ион бўлақларининг (m/z) интенсивлиги (%) қуйидаги схемада келтирилган:



16-Модданинг хромато-масс-спектри таҳлил қилинганда молекуляр ион ($M^+=247$) 3.3% интенсивликда намоён бўлади. Бирикманинг протонланган молекуляр иони ($[M+H]^+=248$) паст интенсивликда (2.3 %), депротонланган молекуляр ионнинг ($[M-H]^+=246$) интенсивлиги эса яна ҳам пастроқ интенсивликда (1.7 %) эканлигини кўришимиз мумкин. Фрагментланишнинг давом этиш йўналишлари таркибдан азот молекуласи чиқиб кетиши билан бошланади. Хусусан, азот молекуласининг узилишидан m/z 219 (3.48 %) бўлган асосий ионни аниқлашимиз мумкин. Кейинги фрагментация молекуладаги карбоксил гуруҳнинг узилиши билан боради ва m/z 174 (5.81 %) ионни ҳосил қилади. Таъкидлаш керакки, молекуланинг бундан кейинги босқичда электронлар зарби таъсирида фрагментацияга учраши мураккаб эфир боғини узилиши билан давом этади. Ион бўлақларининг, кейинги парчаланиши куйидаги тарзда боради m/z 148 (16.27 %), m/z 130 (46.51 %) ва m/z 103 (60.46 %) фрагментациянинг сўнгги босқичида юқори интенсивликдаги фенил m/z 77 (79.07 %) иони ҳосил бўлади.


3-жадвал

Электрон зарби таъсирида молекулани парчаланишидан ҳосил бўлган ион бўлақларининг (m/z) интенсивлиги (%)


17	262 ($[M]^+$, 2.3), 219 (2.2), 174 (3.46), 130 (5.86), 103 (61.21), 77 (81.88)
20	303 ($[M]^+$, 2.3), 284 (1.5), 174 (3.4), 130 (5.9), 103 (61.2), 77 (82.4)

1,2,3-Триазолларнинг ҳосил бўлиш механизми. Янги синтез қилинган 1,2,3-триазоллар учун адабиётлардаги маълумотларга асосланиб реакция механизмини таклиф этиш мумкин. CuAAC реакциясининг каталитик жараёни, миснинг алкин (1) билан таъсирлашиши натижасида металлорганик бирикма - мис ацетиленид (2) ҳосил бўлиши билан бошланади. Ҳосил бўлган ацетиленид азид билан координацияланиб мис (I) комплексини (3) ҳосил қилади, сўнгра у олти аъзоли металлохалқасига (4) айланади. Кейинги босқич

мис (I) триаголид (5) ҳосил бўлиши орқали бориб, уни протонолизга учраши натижасида, тегишли 1,4-диалмашинган 1,2,3-триаголлари (6) ҳосил қилади:




4-(4-(Ацетоксиметил)-1Н-1,2,3-триагол-1-ил) бензой кислотасини этил спирти билан этерификация реакцияси. Олинган янги 1,2,3-триагол ҳосилаларининг кимёвий хоссаларини ўрганиш мақсадида этил спирти билан сульфат кислота иштирокида этерификация реакцияси амалга оширилди, натижада 4-(4-(гидроксиметил) 1Н-1,2,3-триагол-1-ил) бензой кислота этил (28) эфири ҳосил бўлди. Реакцияларнинг бориши қуйидаги схемада келтирилган:



Олинган (28)нинг ^1H ЯМР-спектри таҳлил қилинганда, кучли майдондаги 1.42 м.у. да (3Н, т) триплет кўринишида эфирдаги CH_3 -гурухга, 4.4 м.у. даги мультиплет (2Н, м) сигнал $-\text{CH}_2-$ гурухига, 4,4 м.у. соҳада мультиплет (2Н, м) $\text{HO}-\text{CH}_2$ -гидроксиметил гурухидаги CH_2 гурух протонларига, 4.9 м.у даги дублет (1Н, д) сигналлар $\text{HO}-$ протонига тегишли эканлиги кўринади. Кучсиз майдондаги 7.84 м.у. (2Н, д,) ва 8,02 м.у. (2Н, д) сигналлар *para*-алмашган бензол халқага тегишли тўртта протонларни дублет ҳолидаги сигналлардир, 8,06 м.у. (1Н, с) соҳадаги синглет сигнал эса триагол


ҳалқадаги протонга (-C-H) тегишли бўлиб, у ароматик ҳалқа протонлари сигналлари ўртасида жойлашган.



3-расм. 4-(4-(Гидроксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислота этил эфири (**28**) ^1H ЯМР-спектри

Демак, бунда бензой кислота фрагментида этерификация реакцияси кетиши билан бирга ацетоксиметил-фрагментида эфир боғининг гидролизи содир бўлади. Ҳосил бўлган бирикманинг тузилиши муқобил синтез ва ^1H ЯМР-спектроскопия усули ёрдамида тасдиқланди. Натижалар ҳосил бўлган маҳсулотнинг (**28**) тузилишини тўлиқ тасдиқлайди.

4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислотани натрийли ва калийли тузлари синтези. Юқорида синтез қилинган 1H-1,2,3-триазол ҳосилаларининг сувда эрувчан бирикмаларини олиш мақсадида уларнинг натрий ва калий гидроксидларнинг 1n эритмаларини бевосита таъсир эттириб, 4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислотанинг натрийли ва калийли тузлари юқори унумлар (80-93 %) билан олинди:




R = 17, 29, 40: CH₃; 18, 30, 41: C₂H₅; 19, 31, 42: C₃H₇; 20, 32, 43: C₄H₉;
 21, 33, 44: C₅H₁₁; 22, 34, 45: C₆H₁₃; 23, 35, 46: C₇H₁₅; 24, 36, 47: C₈H₁₇;
 25, 37, 48: C₉H₁₉; 26, 38, 49: C₁₀H₂₁; 27, 39, 50, C₁₁H₂₃; M = Na, K.

Юқоридаги синтез қилинган 4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислотанинг натрийли ва калийли тузлари тузилиши бошланғич моддаларнинг ИҚ-спектрлари билан таққослаб таҳлил қилинганда 3300-3400 см⁻¹ даги ОН гуруҳига тегишли кучли кенг ютилиш ва 1650-1750 см⁻¹ соҳада С=О гуруҳига тегишли тор ва кучли ютилиш чизиқларининг йўқолганлиги,


бундан ташқари синтез қилинган тузларни сувда жуда яхши эриши ва дастлабки моддаларга нисбатан суюқланиш ҳарорати анча юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил)бензой кислотанинг кумушли ва темир (III) ли тузлари синтези. Олинган янги модда 4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислота калийли тузлари (40-50) эритмасига эквивалент миқдорда темир (III) хлорид эритмаси қўшилганда 1,2,3-триазол ҳосиласининг кўнғир рангли чўкма ҳосил бўлди. Чўкма филтрланиб, дистилланган иссиқ сувда ювиб тозаланди. Олинган тузлар юқори унумларда ҳосил бўлди (52-72). Синтез қилинган тузларни суюқланиш ҳароратлари аниқланиб, ИҚ-спектрлари таҳлил қилинди:



R = 40, 51) CH₃, 41, 52) C₂H₅, 42, 53) C₃H₇, 43, 54) C₄H₉, 44, 55) C₅H₁₁, 45, 56) C₆H₁₃, 46, 57) C₇H₁₅, 47, 58) C₈H₁₇, 48, 59) C₉H₁₉, 49, 60) C₁₀H₂₁, 50, 61) C₁₁H₂₃.

4-(4-(R-карбоксиметил)-1H-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг калийли тузлари (40-50) эритмасига кумуш нитрат эритмаси билан 1:1 моль нисбатда аралаштирилганда оқ рангли чўкма (62-72) юқори унумлар билан ҳосил бўлди:




R = 40, 62: CH₃; 41, 63: C₂H₅; 42, 64: C₃H₇; 43, 65: C₄H₉; 44, 66: C₅H₁₁; 45, 67: C₆H₁₃; 46, 68: C₇H₁₅; 47, 69: C₈H₁₇; 48, 70: C₉H₁₉; 49, 71: C₁₀H₂₁; 50, 72: C₁₁H₂₃.

Диссертациянинг “Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги” деб номланган учинчи бобда ТФ-23 моддасининг захарлилиги ва яллиғланишга қарши фаоллиги, ТФ-25 моддасини аллоксан диабетда қонда глюкоза миқдорига ҳамда қон плазмасида триглицерид, умумий холестерин ва инсулин миқдорига таъсири, шунингдек, ТФ-40 ва ТФ-41 бирикмаларининг буғдойнинг ҳосилдорлигига таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган.


Яллиғланишга қарши фаоллиги ¹. Шартли ТФ-23 деб номланган модданинг захарлилик даражаси ва яллиғланишга қарши фаоллиги тиббиётда

¹ Яллиғланишга қарши фаоллиги ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти. “Фармакология ва токсикология” бўлими кичик илмий ходими (PhD) Азаматов А. томонидан ўрганилган.

қўлланилаётган кетопрофен дори воситасига солиштириб ўрганилганда 18 марта безарар захарли эканлиги (LD_{50} кетопрофен 360 мг/кг, ТФ-23 6680 мг/кг) (4-расм) ва яллиғланишга қарши фаоллиги эса ундан юқори эканлигини кўрсатди (ТФ-23 79,1 %, кетопрофен 71,1% га тенг) (5-расм).




4-расм. ТФ-23 ва кетопрофенларни захарлилиги (LD_{50})




5-расм. ТФ-23 ва кетопрофенларни каламушлардаги формалинли яллиғланишга қарши назоратга нисбатан солиштирма фаоллигини гистограммада кўриниши

ТФ-23 бирикмасининг фармакологик текширув натижалари ЎзР Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига ихтиро патенти олиш учун талабнома топширилган ва 08.10.2021 санада IAP 2021 0186 рақам билан рўйхатга олинган.

*Қандли диабетга қарши фаоллиги*². Синтез қилинган янги триазол ҳосилаларидан ТФ-25 бирикмаси каламушларда аллоксан препарати ёрдамида сунъий чақирилган диабетга таъсири ўрганилганда қонидаги глюкоза миқдори 18,5 ммол/л дан 7,7 ммол/л га камайганлиги кузатилди. (6-расм).



6-расм. ТФ-25 бирикмасини глюкоза миқдорини камайишига таъсири




7-расм. ТФ-25 бирикмасини инсулин секрециясига таъсири

² Қандли диабетга доир тажрибалар ЎзМУ ҳузуридаги “Биофизика ва биокимё” институти, “Молекуляр биофизика” лабораторияси б.ф.д. катта илмий ходими Фозилов М. томондан ўрганилган

Навбатдаги тажрибада аллоксан диабет шароитида каламуш қон плазмасидаги инсулин миқдорининг ўзгаришига ТФ-25 препаратининг таъсири ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, аллоксан диабетли ҳайвонлар қон плазмасидаги инсулиннинг миқдори $5,3 \pm 0,4$ мкЕд/мл ни ташкил этиб назоратга нисбатан 2,7 марта камайганлиги аниқланди. Каламушларга ТФ-25 моддасидан перораль юборилганда инсулин миқдори $9,2 \pm 0,6$ мкЕд/мл га кўтарилган. Бу эса инсулиннинг аллоксан диабетли ҳайвонлар кўрсаткичига нисбатан мос равишда 1,7 марта ортганлиги аниқланди.

Аллоксан диабетли III гуруҳ каламушлар ТФ-25 билан 10 кун давомида перорал усулда даволанганда уларнинг қон плазмаси тақрибидаги глицид миқдори $74,4 \pm 5,3$ мг/дл ташкил этиб II-гуруҳга нисбатан камайганлиги аниқланди. Демак триазолларнинг янги ҳосиласи аллоксан диабет каламушларда триглицеридлар миқдорини камайтирди. Бу борада стрептозотацин диабетда ҳам биологик фаол бирикмалар триглицеридлар миқдорини самарали камайтириш бўйича адабиётларда маълумотлар учрайди ва бу натижалар адабиётларга мос келади.



Навбатдаги тажрибада аллоксанли диабет шароитида плазма таркибидаги умумий холестеринлар миқдорини ўзгариши ва уларга ТФ-25 нинг таъсири ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, аллоксанли диабет чақирилган II гуруҳ каламушларни плазмасидаги умумий холестерин миқдори $96,6 \pm 6,1$ мг/дл ни ташкил этиб назоратга нисбатан ортганлиги аниқланди. Аллоксанли диабет чақирилган каламушларни ТФ-25 билан 10 кун перорал усулда фармакотерапия қилинди. Бунда диабетли каламушларнинг плазмаси таркибидаги умумий холестерин миқдори аллоксанли диабет II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан камайганлиги аниқланди ($64,1 \pm 4,2$).

Шундай қилиб, ТФ-25 препарати аллоксан препарати ёрдамида чақирилган қандли диабетга қарши фаоллиги ўрганилганда, қонда глюкоза миқдорини камайтириб гипогликемик фаолликни намоен этган, қон

плазмасида триглицерид ва умумий холестерин миқдорини диабет шароитида камайтирган, инсулин миқдорини эса ошириб унинг секрециясини тикланлиги аниқланди.

Стимуляторлик хоссаси. Синтез қилиб олинган моддаларнинг стимуляторлик фаоллигини ўрганиш мақсадида шартли номланган ТФ-40 ва ТФ-41 бирикмаларни буғдойнинг “Васса” номли навида дала шароитида синаб кўрилганда ҳосилдорлик мос равишда 4.3 ва 3.7 ц/га ортганлиги кузатишган. Бунинг натижасида ҳар гектар ердан 1226.4 минг сўм ва 1024.7 минг сўм фойда кўрилган.

Диссертациянинг **“1Н-1,2,3-триазол ҳосилалари синтези”** деб номланган **тўртинчи боби** тажрибалар қисми бўлиб, тадқиқотларни олиб бориш учун бошланғич моддалар синтези, 1,2,3-триазоллар ҳосилаларини олиш ва олинган бирикмаларнинг этерификация реакцияси ва уларнинг натрийли, калийли, кумушли ва темир (III)ли тузларини олиш усуллари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор 12 та тўйинган бир асосли карбон кислота пропаргил эфирларига *пара*-азидобензой кислотани 1,3-диполяр циклобирикиш реакцияси орқали янги 1,2,3-триазол ҳосилалари синтез қилинган, реакцияларнинг боришига таъсир қилувчи асосий омиллар (эритувчи, ҳарорат ва катализатор) аниқланган ва мақбул шароитлар таклиф этилган.

2. Синтез қилинган 4-(4-(R-карбоксиметил)-1Н-1,2,3-триазол-1-ил) бензой кислоталарнинг этанол билан реакциялари сульфат кислота катализаторлигида олиб борилганда бензой кислота фрагментида этерификация жараёни, ацетоксиметил-фрагментида эса эфир боғининг гидролизи содир бўлиши кўрсатилган.

3. Алмашинган 1Н-1,2,3-триазоллар синтези мис (I) галогенидлари иштирокида олиб борилганда катализаторларнинг $Cu_2Cl_2 < Cu_2Br_2 < Cu_2I_2$ қаторида фаолликнинг ортиши ва реакцияларнинг селектив тарзда бориб асосан, 1,4-изомер маҳсулотларни юқори унумлар билан синтез қилиш усуллари тавсия этилган.

4. Олиб борилган мақсадли тадқиқотлар натижасида нозик органик синтезда муҳим синтонлар сифатида фойдаланиш мумкин бўлган 57 та янги ҳосила синтез қилинган ва уларнинг тузилиши замонавий физик-тадқиқот усуллари (ИК-, 1H ЯМР-спектроскопия ва хромато-масс-спектрометрия) асосида таклиф этилган.

5. Синтез қилинган ТФ-23 бирикманинг заҳарлилиги ҳамда яллиғланишга қарши фаоллиги ўрганилган ва унинг тиббиёт амалиётида қўлланилаётган кетопрофен дори воситасига нисбатан 18 марта кам заҳарли ва юқори фаолликка эга эканлиги аниқланган.

6. ТФ-25 бирикмани қандли диабетга қарши фаоллиги ўрганилган ва унинг аллоксанли диабетда қондаги глюкоза миқдорини камайтириб гипогликемик фаолликка эга эканлиги кўрсатилган.

7. Шартли равишда ТФ-40 ва ТФ-41 деб номланган бирикмаларнинг стимуляторлик фаоллиги бугдойнинг “Васса” номли навида дала шароитида текширилганда ҳосилдорлик мос равишда 4.3 ва 3.7 ц/га ортганлиги аниқланган.

8. Илк бор олинган 1,2,3-триазолларнинг ишлаб чиқилган синтез ва модификация усуллари, реакция механизмлари ва спектрал таҳлил натижалари органик кимёда қўллаш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019K.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

КИРГИЗОВ ФАЗЛИДИН БАХТИЁРИВИЧ

**СИНТЕЗ И ИЗУЧЕНИЕ СВОЙСТВ ПРОИЗВОДНЫХ 1,2,3-
ТРИАЗОЛОВ НА ОСНОВЕ ПРОПАРГИЛОВЫХ ЭФИРОВ
НЕКОТОРЫХ НАСЫЩЕННЫХ ОДНООСНОВНЫХ КАРБОНОВЫХ
КИСЛОТ**

02.00.03-Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/К388.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.nuuz.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net/uz.

Научный руководитель: Абдугафуров Ибрагимджан Ализович
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты: Махсумов Абдухамид Гофурович
доктор химических наук, профессор

Маулянов Салихжан Алмжанович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится « 19 » « 02 » 2022 года в « 14 ⁰⁰ » часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019K.01.03 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24, факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за №_13_ (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан « 5 » « 02 » 2022 года.
(реестр протокол рассылки №_4_ от « 5 » « 02 » 2022 года).



З.А. Сманова
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.

А. К. Абдушукуров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В глобальном масштабе стремительно развивается синтез пятичленных гетероциклических соединений, содержащих в своем составе три атома азота, благодаря чему в настоящее время они входят в состав многих препаратов, используемых в сельском хозяйстве и медицине. К числу таких соединений можно отнести синтетические производные 1,2,3-триазола. Поэтому особенно важно, что среди 1,2,3-триазолов, синтезированных в результате научных исследований в области органической химии, растет число различных фармакологически активных лекарственных средств.

Одной из важнейшей задачей, стоящей сегодня перед химиками и фармакологами со всего мира является синтез и внедрение потенциально активных малотоксичных лекарственных средств. В решении этой проблемы проявляют себя перспективными гетероциклические соединения содержащие в молекуле 1,2,3-триазольное кольцо. По этому направлению ведутся систематические научные исследования целенаправленного синтеза производных 1,2,3-триазолов и установление их структуры, создание биологически активных препаратов. В результате достигаются значительные успехи в создании конкурентоспособных препаратов, обладающих противовоспалительными, противотуберкулезными, противораковыми, антидиабетическими, противовоспалительными, жаропонижающими, обезболивающими, бактерицидными, фунгицидными, инсектицидными и другими полезными свойствами.

В стране предпринимаются масштабные меры по организации на высоком уровне научных исследований по направлению создания лекарственных средств и обеспечению фармацевтического рынка качественными лекарственными средствами. В результате достигнуты значительные успехи в создании конкурентоспособных лекарственных препаратов на основе синтетических органических химических продуктов.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи "дальнейшего развития фармацевтической промышленности, улучшения обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами". В связи с этим большое практическое значение имеют научно-практические исследования, направленные на поиск оптимальных методов синтеза новых производных триазолов, определение особенностей их структуры и реакционной способности, создание эффективных биологически активных веществ.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в ПП-3983 "О мерах по ускоренному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан" от 25 октября 2018 года, № ПП-4805 "О мерах по повышению качества непрерывного

